

1. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, вилоятда 2021 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 3 291,2 млрд. сўмни ташкил этди. ЯҲМнинг ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 104,2 фоизни ташкил этди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) – миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент – институционал бирликлар ишлаб чиқариши фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишлаб чиқариши усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соф солиқлар йиғиндиси орқали ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 101,3 фоиз, (ЯҲМ таркибидаги улуши 39,9 фоиз), саноат – 116,1 фоиз (15,1 фоиз), қурилиш – 104,5 фоиз (8,0 фоиз), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 97,7 фоиз (8,4 фоиз), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 106,0 фоиз (5,3 фоиз) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар 102,0 фоиз (37,0 фоиз)ни ташкил қилди.

2021 йилнинг январь-мартда иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМнинг ишлаб чиқаришда тармоқларнинг улуши, фоизда


Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги




Саноат




Қурилиш




Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар



Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа




Бошқа хизмат тармоқлари



ЯҲМ дефлятор индекси 2021 йилнинг январь-март ойларидаги нархларга нисбатан 113,6 фоизни ташкил этди.


(фоизда)



Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯХМ 2 328,4 минг сўми ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,1 фоизга ўсди.

2021 йилнинг январь-мартда иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯХМнинг ишлаб чиқариш усули билан ҳисобланган таркиби

	Млрд. сўм	2020 йил январь-мартга нисбатан фоизда	ЯХМ ўсишидаги ҳиссаси, % да
 ЯХМ - жами	2 781,2	3 291,2	104,2
<i>шу жумладан:</i>			
 Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	2 729,5	3 165,8	104,1
 қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1 031,0	1 264,1	101,3
 саноат	401,6	479,6	116,1
 Қурилиш	258,2	253,9	104,5
 савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	240,3	265,9	97,7
 ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	143,2	167,5	106,0
 бошқа хизмат тармоқлари	655,2	734,8	102,7

	Млрд. сўм	2020 йил январь-мартга нисбатан фоизда	ЯҲМ ўсишидаги ҳиссаси, % да
 Маҳсулотларга соф солиқлар	51,7	125,4	109,7

Иқтисодий ўсиш суръати миллий иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир.


2021 йил январ-март ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ таркиби (жамига нисбатан % да)

	2020-йил	2021-йил
ЯҲМ - жами	100,0	100,0
<i>шу жумладан:</i>		
 Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	98,1	96,2
 Маҳсулотларга соф солиқлар	1,9	3,8
 Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	37,8	39,9
 sanoat	14,7	15,1
 Қурилиш	9,5	8,0
Хизматлар	38,0	37,0
 савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	8,8	8,4
 ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	5,2	5,3
 бошқа хизмат тармоқлари	24,0	23,3

2021 йилнинг январь-март ойлари якунларига кўра, ҳудуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚК) ҳажми умумий ЯХМнинг 96,2 % ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса 3,8 % ини ташкил этди.

Ҳисобот даврида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг ЯХМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 39,9 % ни, саноат тармоғи 15,1 % ни, қурилиш 8,0 % ни ва хизматлар соҳаси 37,0 % ни ташкил қилди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби январь-март ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)





- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати

2021 йилнинг январь-март ойларида ЯХМ таркибида хизматлар соҳасининг улуши 37,0 фоизни ташкил қилди, бу эса 2020 йилнинг январь-мартига нисбатан 1,0 фоиз пунктга камайган (38,0 фоиз). Жумладан, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар улуши 0,4 фоиз пунктга камайди, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматларида 0,1 фоиз пунктга кўпайди ҳамда хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар улуши 0,7 фоиз пунктга камайган.

Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(жамига нисбатан фоизда)

2020 йил январь-март

2021 йил январь-март



- Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- Хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

Жумладан, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ тармоқлари таркибидаги улуши 2021 йил январь-март ойларида – 8,4 фоизни (2020 йил январь – март ойларида – 8,8 фоиз), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа 5,3 фоизни (5,2 фоиз), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 23,3 фоизни (24,0 фоиз) ташкил этди.